

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 04/30.12.2019.Tib.102.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИСМОИЛОВА ЗИЁДА АКТАМОВНА

**COVID- 19 ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА БОЛАЛАРДА БУЙРАК
АСОРАТЛАРИНИ ҚИЁСИЙ БАҲОЛАШ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Исмоилова Зиёда Актамовна

Covid-19 пандемияси даврида болаларда буйрак асоратларини қиёсий баҳолаш..... 3

Исмоилова Зиёда Актамовна

Сравнительная оценка ренальных осложнений у в период пандемии Covid-19..... 27

Ismoilova Ziyoda Aktamovna

Comparative assessment of renal complications in children during the Covid-19 pandemic..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications 55

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 04/30.12.2019.Tib.102.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИСМОИЛОВА ЗИЁДА АКТАМОВНА

**COVID- 19 ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА БОЛАЛАРДА БУЙРАК
АСОРАТЛАРИНИ ҚИЁСИЙ БАҲОЛАШ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2023

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Tib1900 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ахмеджанова Наргиза Исмаиловна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Шарипов Рустам Хайитович
тиббёт фанлари доктори, доцент

Рахмонова Лола Каримовна
тиббёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация химояси Самарқанд Давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.102.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 70а-уй, СамДТУ 2-сон клиникаси (Кўп тармоқли ихтисослашган болалар хирургияси маркази), Тел/факс: 0(366)-233-58-92, 233-79-03, e-mail: shodikulovagulandom@mail.ru).

Диссертация билан Самарқанд Давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси, 18-уй Тел./факс: (+99866) 233-30-34,.

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Шамсиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.З. Шодикулова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ж.О. Атакулов

Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда болаларда нефрологик касалликларни ташхислаш ва даволашда сезиларли ютуқларга эришилганига қарамай, беморларнинг тахминан 23 %да касаллик жадал кечишга эга бўлиб, бу ҳаёт сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Сўнгги йиллардаги тадқиқотлар натижаларига мувофиқ «...2020 йилдан бошлаб дунёда болалар ўртасида Covid-19 фонида ривожланган 8 миллионга яқин буйракнинг тубулоинтерстициал зарарланиш ҳолатлари қайд этилган бу беморлар сони кўпайиши, аҳолининг 1000 нафарига 2,87 тани ташкил этиши билан намоён этмоқда»¹. Ҳозирги пайтда болаларда Covid -19 фонида ривожланган буйрак касалликларининг кечишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, касалликни эрта ташхислаш, уни олдини олиш мақсадида касалликнинг патогенетик жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда даво муолажаларини буюриш ва касаллик натижасида ривожланиши мумкин бўлган асоратлар даражасини камайтириш тиббиётда ечими топилиши зарур бўлган муаммо ҳисобланади.

Дунё бўйича болаларда Covid-19 фонида ривожланган буйрак касалликларини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу сабабли, болаларнинг Covid-19 фонида ривожланган сийдик ажртиш тизими аъзоларининг септик яллиғланиш касалликлари ва буйрак касалликларига мослашиш, буйракларнинг функционал ҳолати ва уларнинг сабаб-оқибат боғлиқлик даражасини аниқлаш, касалликнинг шаклланиши ва кечишида цитокин профили кўрсаткичларининг аҳамиятини аниқлаш, прогнозлаш ва эрта ташхислашга усулини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими олдида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш ҳамда жаҳон андозаларига мослаштириш, жумладан ёш болалар саломатлигини сақлаш, уларда учрайдиган касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган қатор вазифалар юклатилган. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш ва самарали ташхислаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб

¹ Robbins-Juarez SY, Qian L, King KL, Stevens JS, Husain SA, Radhakrishnan J, et al. Outcomes for Patients With COVID-19 and Acute Kidney Injury: A Systematic Review and Meta-Analysis// Kidney Int Reports [Internet]. 2020; 5(8):1149–60.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” фармони

чиққан ҳолда, болаларда COVID -19 фонида ривожланган буйрак патологияларининг ўткир кечишида буйракларнинг функционал ҳолати кўрсаткичларини аниқлаш, буйракларнинг зарарланиш даражасини баҳолаш, қон ва сийдикдаги цитокинлар профилини баҳолаш, сийдикда нейтрофил желатиназа (NGAL) миқдорини, шунингдек, ушбу кўрсаткичларнинг диагностик қийматларини аниқлаш Covid-19 фонида ривожланган буйрак патологиялари мавжуд болаларда хасталик асоратлари натижасида юзага келадиган ногиронлик кўрсаткичини камайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2021 йил 29 июлдаги ПҚ-5199-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда, ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот мавзусининг республикадаги фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Covid-19 фонида ривожланган буйрак патологияси нефросклерознинг шаклланиши ва ўткир буйрак етишмовчилигининг ривожланиши билан организмнинг ногиронлигига олиб келадиган ва фавқулудда аралашувларни талаб қиладиган, рецидивланиш ҳамда зўрайишга мойил бўлаган касалликдир. Қатор муаллифлар фикрига кўра, ушбу патология патогенезининг муҳим жиҳати буйрак оралик тўқималарининг вирусли деструктив зарарланиши эканлиги аниқланган (Алботова Л.В., Агранович Н.В., Лихачева А.П., 2020).

Болаларда Covid-19 фонида буйрак патологияси ривожланишида нафақат найча аппарати, балки буйрак оралик тўқималарининг барча томирлари ва каналчалари ҳам зарарланади. Ушбу ҳолат яллиғланиш жараёнига бутун нефроннинг ҳам тортилиши билан бирга мия қобиғининг интерстициал фиброзга айланишининг деструктив жараёнини келтириб чиқаради. (Галкина О.В., 2016; Горшкова Е.Г., Кривич М.Б., 2017). Аммо, етакчи нефрологларнинг кузатувлари шуни кўрсатадики, беморларнинг 30%да касалликнинг ўткир кечиши аниқланади, бундан ташқари шу беморларнинг 50%да биринчи қайталаниш биринчи марта касалланишдан кейинги уч ой ичида содир бўлади (Кушнаренко Н.Н., Медведева Т.А., 2018). Эҳтимол, ягона даволаш схемаси, барча афзалликларига қарамай, ҳар доим ҳам даволанишнинг ижобий натижасини белгилаб бермайди (Попова Е.В., 2017; Мухтаров Т.А., 2019). Бу маълумотлар Covid-19 фонида ривожланган буйрак патологиясида

даволашнинг янги усуллари ушбу касалликнинг клиник хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўллаш зарурлигини кўрсатади (Попова Е.В., 2018; Смирнова Н.Н., 2019).

Ўзбекистонда Covid-19 фонида ривожланган буйрак патологияси билан оғриган беморларда буйракларнинг функционал ҳолати, цитокин профили ва NGAL кўрсаткичларини баҳолаш асосан катта ёшдаги одамларда ўрганилган, лекин болаларда батафсил ўрганилмаган (Зуфаров Ш.А. ва ҳаммуаллифлар, 2021; Шарипов Т. А., 2022).

Юқорида баён этилганларга асосланиб, Covid-19 фонида ривожланган буйрак патологияси билан оғриган болаларда буйракларнинг функционал ҳолатини эрта баҳолаш, цитокин профили ва NGAL кўрсаткичларини ўрганиш орқали ўткир буйрак етишмовчилиги ривожланишининг олдини олиш ва даволаш усуллариининг самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш имконини беради.

Диссертация мавзусининг тадқиқот бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университети амалий тадқиқот лойиҳасининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01980006703 “Диагностика, даволаш ва профилактиканинг замонавий усуллариини ишлаб чиқиш” (2020-2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади Covid-19 фонида ривожланган ўткир буйрак патологияси бўлган болаларда буйрак бузилишлари хусусиятларини аниқлаш ва буйракнинг парциал функциялари билан цитокин профили ўртасидаги ўзаро боғлиқликни баҳолашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

Covid-19 фонида ривожланган ўткир буйрак патологияси бўлган болаларда буйрак функцияларини баҳолаш билан бирга клиник ва лаборатория кўрсаткичларини ўрганиш;

Covid-19 фонида ривожланган сийдик ажратиш тизимининг ўткир касалликлари бўлган болаларда буйрак фаолиятининг ажралмас кўрсаткичи сифатида цитокин профилининг даражасини ўрганиш ва аҳамиятини аниқлаш;

Covid-19 фонида ривожланган ўткир буйрак патологияли болаларда сийдикда нейтрофил желатиназа (NGAL) билан боғлиқ липокалин-2 ни клиник ва диагностик аҳамиятини аниқлаш;

Covid-19 фонида ривожланган ўткир буйрак патологияси бўлган болаларда буйрак функцияси кўрсаткичлари ва қон зардоби ҳамда сийдикдаги цитокин профили кўрсаткичлари ўртасидаги коррелятив ўзаро боғлиқликни баҳолаш;

комплекс терапиянинг самарадорлигини асослаш ва уларнинг замонавий соғлиқни сақлаш амалиётига мослаштириш йўллариини белгилаш.

Тадқиқот объекти сифатида Covid-19 фонида ривожланган ўткир буйрак патологияси билан Хоразм вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг нефрология бўлимига мурожаат қилган 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган 132 нафар болалар олинган.

Тадқиқотнинг предметини умумий клиник ва лаборатор текширувлар учун беморларнинг веноз қони ва унинг зардоби, ҳамда сидик таҳлиллари учун пешоб ташкил этган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда умумклиник, лаборатор, эпидемиологик, биокимёвий, вирусологик, инструментал ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Covid-19ни ўтказган барча беморларда тубулоинтерстициал буйрак зарарланишлари (ўткир пиелонефрит -49% ва ўткир тубулоинтерстициал нефрит-51%) учраши ва унинг ўзига хос кечиш хусусиятлари аниқланган;

илк бор Covid-19 фонида ривожланган ўткир буйрак патологияси мавжуд болаларда сийдикда нейтрофил желатиназа (NGAL) билан боғлиқ липокалин-2 ни аниқлашнинг диагностик аҳамияти асосланган;

Covid-19ни ўтказган беморларда тубулоинтерстициал буйрак зарарланишларини эрта ташхислаш усули қон ва пешобда цитокинлар (TNF- α , у-ИФН, ИЛ-4, ИЛ-6) профилини аниқлаш орқали такомиллаштирилган;

Covid -19 фонида ривожланган ўткир буйрак патологиялари бўлган болаларда анъанавий даво усули билан биргаликда ингавирин дори воситаларини қушимча қўллаш натижасида даволашдаги дифференциал ёндашувлар самарадорлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тубулоинтерстициал шикастланишнинг (ўткир кечиш, сийдик синдромининг патологик фаоллашуви) ривожланишига олиб келадиган Covid -19 мавжудлиги болалик даврида пиелонефрит ва ТИН кечиши прогнозини катта эҳтимоллик билан оғирлаштириши аниқланган;

Covid -19 фонида ривожланган буйрак патологиясига эга беморларда сийдикда цитокин контцентрациясининг мониторингини олиб бориш, бу касалликнинг эрта муддатларида иммун-яллиғланиш жараёнининг фаоллигини баҳолаш ва унинг тубулоинтерстициал тўқималарда сурункали жараён ривожланиши тенденциясини аниқлаш имконини бераган;

сийдикда NGAL миқдорини аниқлаш бу буйрак паренхимасининг шикастланишини эрта ташхислаш, дифференциал ташхис сифатини яхшилаш ва беморларни даволаш тактикасини танлашни таъминлаб бериши исботланган;

буйракнинг парциал функцияси кўрсаткичлари ҳамда қон ва сийдикнинг цитокин профили ўртасидаги аниқланган коррелятив ўзаро боғлиқликлар болаларда Covid-19 фонида ривожланган буйрак патологиясини самарали даволаш усуллари такомиллаштириш зарурлигини белгилаб берган;

Covid -19 фонида ривожланган буйрак патологияси мавжуд болалар учун соғлиқни сақлаш амалиёти шароитларига мослаштирилган ва татбиқ этилган тизимлаштирилган комплекс терапевтик тактика ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашувлар ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар сони танланганлиги,

қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник-лаборатор, инструментал, вирусологик ва статистик тадқиқот усуллари асосида Covid-19 фонида ривожланган буйрак патологияси мавжуд болаларни олиб боришнинг даволаш-профилактикасига қаратилган чора тадбирларнинг ўзига хослиги ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Covid-19 фонида ривожланган буйрак патологиясининг клиник ва патогенетик вариантларини ўрганишнинг янги услубий ёндашувларини асослаш ва болаларда ушбу патологиядаги патогенетик жиҳатдан муҳим ўзгаришларни таҳлил қилиш, цитокин профили кўрсаткичларида аниқланган ўзгаришлар, буйракларнинг функционал ҳолати ва бу кўрсаткичлар ўртасидаги ўрнатилган коррелятив ўзаро боғлиқлик болаларда Covid-19 фонида ривожланган буйрак патологиясини самарали даволаш усулларини такомиллаштириш зарурлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Covid-19 фонида ривожланган буйрак патологияси бўлган беморларда "Ингавирин" препаратини модификацияланган комплекс қўлланилиши клиник белгиларнинг тезроқ бартараф этиши, цитокин профили ва буйраклар функционал ҳолатининг тикланиши, ремиссия даврини узайтириши натижасида даволашнинг юқори самарадорлиги, бевосита ва узоқ муддатли асоратларнинг ҳамда касалликнинг қайталаниши олдини олиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг татбиқ этилиши. Хоразм вилояти ВБКТТМ бўйича 22.05.2023-йилдаги 832-сонли буйруқ ҳамда ТТА Урганч филиали клиникаси бўйича 11.11.2023-йилдаги 23-1-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган.

Covid-19 билан касалланган болаларда буйраклар фаолиятининг бузилиши найча тузилмаларнинг шикастланиши (реабсорбция, кислота-аммониогенез, осмотик концентрация) ва коптокчалар филтрациясида ўзини намоён қилган. Ацидоаммониогенезнинг статистик жиҳатдан сезиларли пасайиши Covid-19 фонида ўткир тубулоинтерстициал нефрит билан оғриган беморларга хос бўлиб, шунинг учун COVID -19 фонида нафас тизими зарарланиши белгилари бўлган болаларда буйрак шикастланишини эрта ташхислаш ва даволаш мақсадида буйрак функциясини назорат қилиш тавсия этилган. Яширин буйрак патологиясини аниқлаш учун касалликнинг фаол босқичида изоляцияланган сийдик синдроми бўлган беморлар буйракларини функциясини сақлаш учун узоқ муддатли мониторингни талаб қилган.

Анамнезида Covid-19 бўлган барча болалар қон зардобиди ва сийдикда TNF-а, у- ИНФ, ИЛ-4 даражаси сезиларли даражада ошган. Ушбу цитокинлар билан титрланадиган кислоталик, аммиакнинг чиқарилиши,

яллиғланишнинг ўзига хос бўлмаган белгилари, эритроцитурия, лейкоцитурия ўртасида кучли боғлиқлик қайд этилган, бу TNF-а, у-ИНФ ва ИЛ-4 ни буйрак тўқималарида яллиғланишни рағбатлантирувчи маҳаллий омиллар сифатида ўрганиш зарурлигини белгилаб, Covid-19 билан оғриган беморларда найчалар функциясининг яширин шикастланишларини (скрининг текшируви) кузатиш учун сийдикдаги цитокинлар (у-ИНФ, TNF-а, ИЛ-4) даражасини ўрганиш асосида тубулоинтерстициал тўқималарда пролифератив ўзгаришлар даражасини аниқлаш ва буйраклардаги патологик жараённинг сурункалилига кўра беморларнинг хавф гуруҳларини шакллантириш имконини берган.

Сийдикдаги НГАЛ даражаси буйрак тўқималарининг шикастланиш даражасига тўғридан-тўғри пропорционал бўлиб, ўткир пиелонефритли болаларда НГАЛ нинг чиқарилиши ва лейкоцитоз даражаси ўртасида ижобий боғлиқлик аниқланган, бу касалликнинг фаол босқичининг белгиси сифатида сийдикда НГАЛ қийматини аниқлаш зарурлигини кўрсатган ва эрта ташхис кўйишга ёрдам берган, буйрак тўқималарида яллиғланиш жараёнини камайтириб даволаш самарадорлигини оширган, буйрак касалликларининг қайтарилмас босқичларининг ривожланишини секинлаштирган.

Covid-19 фонида ривожланган ўткир пиелонефрит ва ўткир тубулоинтерстициал нефритни ташхислаш ва даволаш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар бемор болаларнинг касалхонада қолиш муддатини 5 кунга қисқартиришга ёрдам берди, ҳар бир бемор учун 5 кун ичида 800 000 сўм маблағ тежалди; 37 нафар бемор ҳисобидан жами 29 600 000 сўм бюджет маблағларини тежашга эришилди. Covid-19 фонида ўткир пиелонефрит ва ўткир тубулоинтерстициал нефрит билан касалланган болаларни ташхислаш ва даволаш такомиллаштирилиб, 1 нафар беморнинг 1 кунлик даволаниши ҳисобига 160 000 сўм бюджет маблағларини тежаш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестатсия комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрта боб, хотима, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурийлиги асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари баён этилган, тадқиқот объекти ва материали тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг «**Болаларда Covid-19 фонидаги ўткир буйрак патологияси этиопатогенезининг табиати (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида болаларда Covid-19 фонида ривожланган буйрак патологияси билан боғлиқ ушбу муаммо бўйича адабиётлар шарҳи келтирилган. Патогенез ва хавф омиллари ҳақидаги замонавий тушунчалар таҳлил қилинади. Худди шу бобда муаммонинг долзарблигига асосланган адабиёт маълумотлари умумлаштирилган. Алоҳида бўлимда замонавий диагностика ва даволаш масалалари бўйича маълумотлар, шунингдек, ушбу муаммонинг ҳал этилмаган ва ойдинлаштиришни талаб қиладиган қисмлари ҳақида тўлиқ маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Covid-19 фонида ўткир нефрологик патология билан оғриган болаларда лаборатория ва инструментал текширишнинг клиник хусусиятлари ва усуллари**» номли иккинчи бобида материаллар ва тадқиқот усуллари баён этилган.


Ушбу тадқиқотда Covid -19 фонида ривожланган ва фаол яллиғланиш жараёни босқичидаги буйрак патологияси билан касалланган, Урганч шаҳридаги Болалар вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази болалар нефрологияси бўлимида 2020-2023 йилларда даволанишда бўлган 132 нафар болани текшириш ва даволаш натижалари келтирилган. Беморлар умумий клиник, лаборатор ва инструментал текширувдан ўтказилган.

Covid-19 фонида ривожланган буйрак патологияси ташхисини аниқлашда Н.А. Коровина (1981) томонидан тавсия этилган таснифдан фойдаланилган. Беморларда умумклиник, лаборатория ва инструментал текширувлар ўтказилган.

Тадқиқот бошланишида беморни индивидуал кузатув харитаси тузилган, харита ўз ичига беморнинг ҳаёти ва касаллик тарихи, генеалогик ва тиббий-биологик анамнези тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, боланинг клиник ва параклиник текширув натижаларини олган.

Касалликнинг клиник вариантини ҳисобга олган ҳолда, барча беморлар икки гуруҳга бўлинган, уларнинг ҳар бири яна иккита кичик гуруҳга бўлинган. Биринчи гуруҳга ўткир пиелонефритли болалар (n=65) киритилган, бунда 1-кичик гуруҳни анамнезида Covid -19 бўлмаган 30 бола ва 2-кичик гуруҳни анамнезида Covid -19 бўлган 35 нафар бемор бола ташкил қилган. Иккинчи гуруҳга ўткир тубулоинтерстициал нефритли беморлар (n=67) киритилган бўлиб, улар ҳам иккита кичик гуруҳга бўлинган: 1-кичик гуруҳни –анамнезида Covid -19 бўлмаган 35 бемор ва 2-кичик гуруҳни –анамнезида Covid -19 ни ўтказган 32 бемор ташкил қилган.

Тадқиқотларимиз натижалари шуни кўрсатдики, ЎП билан оғриган беморларимизнинг 29 нафарини (44,5%) ўғил болалар, қиз болалар эса 36нафарни (55,3%) ташкил қилди ва шуни таъкидлаш лозимки, ЎП билан оғриган 4 ёшдан 6 ёшгача бўлган ўғил болалар сони (13 (20%)) қизлар сонидан (9 нафар (13,8%)) устунлик қилди (1- расм).



1-расм. Текширилган ўткир пиелонефритли(ЎП) болаларнинг ёши ва жинсига кўра тақсимланиши

Беморларимизнинг асосий контингентини 7 ёшдан 11 ёшгача бўлган 32,5% нафар (43) бола ташкил қилди (1-расм), бунда беморларнинг кўпчилиги қиз болалардан иборат бўлди- 32,3% (21), ўғил болалар эса 15,3% (10) ни ташкил этди. Ёш гуруҳлари А.Ф. Тур тавсия қилган болалик даврларининг таснифи асосида тузилган. Қиз бола/ўғил бола нисбати 1,24:1 ни ташкил қилган.

ЎП ташхиси Н.А. Коровина (2003) таснифи асосида белгиланди.

Ўткир пиелонефритнинг клиник ташхисини кўйиш Н.А. Коровина (2003) таснифида таклиф этилган ташхислаш мезонлари асосида амалга оширилди, бунда шажара анамнезининг тавсифига, Covid-19 фониди дизурик касалликларнинг белгилари бўлган сийдик йўллари инфекцияси, ўткир пиелонефрит ва ўткир тубулоинтерстициал нефрит таърифига алоҳида эътибор қаратилди.

ЎП билан оғриган болаларда куйидаги асосий клиник белгилар аниқланган: интоксикация симптомлари фониди фебрил иситма (90/100%). Бу белгилар сийдик ажралиши бузилишлари (императив чақириклар, поллакиурия, кам сийиш) билан (33,3/48,5%) болада бирга келган, сийиш пайтидаги оғриқ (33,3/25,7%) ҳолатда қайд этилган.

ЎТИН билан оғриган беморлар гуруҳида касаллик диагностикаси болалардаги ТИНнинг ишчи таснифига мувофиқ кўйилди (Коровина Н.А., Захарова И.Н., 2003).

Кўпинча ЎТИН 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларда кузатилди - 67 боладан 26 нафарида (38,8%), 7 ёшдан 11 ёшгача бўлган болаларда камроқ (12 (17,9%)) ва катта мактаб ёшидаги болаларда 22 (32,8%) беморда (шундан 12 (17,9%) ўғил болалар ва 10 (14,9%) қизлар) ва ундан ҳам камроқ 4 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларда (7 (10,5%)) кузатилди.

Биринчи гуруҳдан фарқли ўлароқ, ЎТИН билан оғриган беморлар орасида ўғил болалар (67 тадан 35 таси) устунлик қилди (52,2%). Ёшга кўра тақсимот катта мактаб ёшидаги болаларнинг устунлигини кўрсатди (26 (38,8%)).

Анамнезда Covid-19 касаллигини ўтказгандан кейин ЎТИНни аниқлаш муддати касалхонага қабул қилинган кундан бошлаб 1 ойдан 3 ойгачани ташкил қилди.

Эрта ташхис қўйиш муаммосини ҳисобга олган ҳолда ЎТИНнинг клиник ҳолати хусусиятларини ажратиб кўрсатиш зарур. ЎТИНнинг клиник белгилари 60% (40) бемор болада касаллик бошланганидан 3-4 ҳафта ўтгач интоксикация белгилари кўринишида кузатилган: иштаҳанинг пасайиши, ҳолсизлик, бош оғриқлари, уйқунинг бузилиши 74% (26) ва 93% (30) болада кузатилган, 80% (28) и у 93,75% (30) беморда узоқ давом этмайдиган субфебрил иситма, 43% (15) и у 59% (19) беморда тез-тез қорин оғриши кузатилган. 60% (21) и у 87,5% (28) беморда буйракдан ташқари (экстраренал) кўринишлар (шиш синдроми), 34% (12) и у 16% (5) беморда изоляцияланган сийдик синдроми, 25% (8) беморда гипертензияга мойиллик кузатилган (2 кичик гуруҳда).

Текшириш усуллари. Анамнез маълумотлари стационарга даволаш учун ётқизилган беморлар касаллик тарихидан ва текширувдан утказилган болаларни №112 шаклидан йиғилган. Патологик жараёни фаол босқичидақуйдаги текшириш усулларида фойдаланилган: умумий ва биокимёвий қон таҳлили (умумий оксил, протеинограмма, СРО); сийдикни умумий ва биокимёвий таҳлили; Нечипоренко, Аддис-Каковский буйича синамалар; сийдикни микрофлорага ва антибиотикларга сезувчанликка экмаси.

Буйрак функцияларининг ҳолати икки гуруҳ функционал усуллар асосида баҳоланди:

I гуруҳ - нефроннинг турли қисмларини буйрак функцияларининг миқдорий ҳолатини кўрсатадиган усуллар.

а) буйракларнинг филтрация функцияси ҳолати (эндоген креатинин клиренси) Шварц формуласи бўйича баҳоланди (Шумлянский-Боумен капсуласи ҳолати); проксимал найчалар (суткалик протеинурия); дистал найчалар (сийдикни осмотик концентрацияси (Зимницкий синамаси), сийдикда титрацион кислота ва аммиак миқдори, сийдик рН));

II гуруҳ - қоннинг суммар параметрларини ўрганишга асосланган усуллар, қон зардобда креатинин, сийдикчил ва электролитлар (калий, натрий) миқдорини, қонда кислота-ишкор ҳолатини ақс эттиради.

Бундан ташқари, беморларда сийдик ажратиш тизимининг ультратовуш текшируви, қон босимини аниқлаш, буйрак гемодинамикаси ультратовушли доплерографияси, рентген-контрастли тадқиқотлар (экскретор урография), тубулотропик Тс99м - МАГ-33 препарати билан динамик сцинтиграфия, урофлоуметрия, магнит-резонанс томографиядан фойдаланилди.

ИЛ-4, у-ИНФ, ФНО-а тизимларини («Вектор-Бест» ЁАЖ фирмаси) тижорий тестларнинг диагностик мажмуаларидан фойдаланиш асосида Иммунология институти МИТЛда (муdiri, тиббиёт фанлари доктори, профессор Арипова Д.) ҳамда ўрганилаётган цитокинларнинг зардоб ва сийдикдаги концентрацияси Тошкент шаҳридаги “Ғунчамед” клиникаси лабораториясида аниқланган ва

«sandwich»- усули - қаттиқ фазали иммуносорбентни аниқлаш усули (ELISA-enzym-linked immunosorbent assay) қўлланилди.

NGAL миқдори эрталабки сийдикда иммунофермент таҳлил (BioVendor Laboratory Medicine тўплами) ёрдамида ишлаб чиқарувчининг кўрсатмаларига мувофиқ ўлчанди.

Динамик нефросцинтиграфия. Умумий ренограммалар экстраренал фонни бирламчи ҳисоблаш билан, трансформация диаграммаси шаклида, иккинчи ўрганиш даврининг ҳар 20 сонияси учун ҳисобланган импульслар сони ва препаратнинг буйрак гломерулалари, тубулалари ва йиғиш тизими орқали ўтишини кўрсатади.

Диссертациянинг учинчи -«Касалхонага ётқизилган болаларда Covid-19 фонидagi ўткир буйрак патологиясида парциал буйрак функциялари, цитокин профили, сийдикдаги NGAL миқдори ва динамик нефросцинтиграфия кўрсаткичлари» бобида касалхонага қабул қилинганда беморларда буйракларнинг парциал функциялари, цитокин профилини, сийдикдаги NGAL миқдори ва динамик нефросцинтиграфия кўрсаткичларини баҳолаш натижалари келтирилган. Беморларда Covid-19 фонидa ривожланган буйрак патологияси анамнестик ва лаборатория таҳлиллари асосида ташхисланган.

Беморларнинг ёшига кўра соғлом болаларда буйракларнинг функционал ҳолати кўрсаткичлари ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятсиз фарқлар аниқланди, бу эса ушбу кўрсаткичларни умумий гуруҳга бирлаштириш ва келажакда ўртача кўрсаткичларни норматив сифатида ишлатиш учун асос бўлди. Covid-19 фонидa ривожланган буйрак патологияси бўлган беморларнинг 100% ида даволанишдан олдин сийдикда ўзгаришлар қайд этилган.

Биз ўткир пиелонефритли болаларда «сийдик синдроми» ҳолатини баҳоладик ва анамнезида Covid-19 бўлган болаларда барча клиник ва лаборатория кўрсаткичларининг яққол ифодаланган бузилишларини аниқладик. Демак, бу кўрсаткичлар касалликнинг этиологик омилига қараб турлича ўзгаради.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, Covid-19 бўлмаган ҳолда ЎП билан оғриган болаларда касалликнинг фаол босқичида гломеруляр филтрация сақланиб қолган, Covid-19 фонидa ЎП билан оғриган болаларда СКФнинг пасайиши қайд этилган, буни биз вирусли инфекция токсинларининг патогенетик таъсири билан боғладик.

Иккала гуруҳда ҳам проксимал каналчаларнинг реабсорбция функцияси сезиларли даражада пасайди, аммо яққол сезиларли бузилиш Covid-19 фонидagi ЎП билан оғриган беморлар учун характерли бўлди.

ЎП билан оғриган 2-кичик гуруҳдаги беморларнинг дистал каналчаларининг яллиғланиш чўққисида сийдикнинг осмотик концентрацияси функциясининг яққолроқ ифодаланган бузилиши (Зимницкий синамаси бўйича ва бир марталик порцияларда) қайд этилди, бу ацидогенетик функциянинг бузилишига ишора қилади, бу ҳолат эса турли органларни ўзаро таъсири натижасида келиб чиқади - оғир гипоксемияда интенсив вентиляция буйраклар функцияси бузилишини бу таъсирни бир компоненти сифатида шакллантиради (1-жадвал).

Сийдик реакцияси нормал диапазонда қолганлиги қайд этилди ($p > 0,1$).

1-жадвал.

Covid-19 мавжудлигига кўра ЎП билан оғриган беморларнинг дистал каналчалари функционал ҳолатининг кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Соғлом болаларда	Даволанишдан олдин	
		1- гуруҳ (n=30)	2-гуруҳ (n=35)
Сийдикнинг нисбий солиштирма оғирлиги (бир марталик порция)	1022,31±4,33	1015,63±0,71 $p < 0,05$	1013,55±0,52 $p < 0,001$
Сийдик рН	5,8±1,44	6,12±1,32 $p \geq 0,1$	6,18±1,12 $p \geq 0,1$
Титрланадиган кислоталарнинг экскрецияси (ммоль/24)	51,0±2,8	25,03±1,06 $p < 0,001$	21,43±0,88 $p < 0,001$
Аммиак экскрецияси(ммоль/24)	46,8±1,2	32,10±1,41 $p < 0,001$	29,17±1,15 $p < 0,001$

Изоҳ: p- ЎПнинг фаол босқичи параметрларини ўзаро ва соғлом болаларда солиштиришда фарқларнинг аҳамияти .

Энг қизиқарли ва кам ўрганилганлар сирасига нейтрофил желатиназа билан боғланган липокалин-2 (NGAL) ёки дастлаб специфик нейтрофил гранулаларнинг таркибий қисми сифатида аниқланган сидерокалин киради. Плазмали NGAL коптокчалар томонидан эркин филтрланилиши, аммо кейин эндоцитоз ҳисобига проксимал каналчаларда катта даражада реабсорбцияланиши аниқланган. Шу сабабли сийдикда буйракларда синтезланадиган NGAL нинг "буйрак" захираси устунлик қилади, бу NGAL захираси қон айланиш тизимида тушмайди, балки сийдикга тўлиқ чиқарилади.

Шундай қилиб, Covid-19 фонида ривожланган ЎПли болаларда сийдикдаги NGAL концентрацияси таққослаш гуруҳидаги болаларга қараганда сезиларли даражада юқори бўлди ($p < 0,001$).

Ушбу тадқиқот натижаларини таҳлил қилганда, сийдикдаги NGAL концентрацияси буйрак паренхимасининг шикастланиш даражаси билан бевосита боғлиқлиги аниқланди, бу болаларда короновирус инфекциясига дучор бўлганида буйрак туқималарига энг катта зарар етишини исботлайди.

Covid-19 билан касалланган болаларда буйрак дисфункцияси уларнинг клиник полиморфизмидан қатъий назар, буйракнинг найчали тузилмаларининг бузилиши (реабсорбция, ацидоаммониогенез, осмотик концентрация), шунингдек, гломеруляр филтрациянинг шикастланиши туфайли ўзини намоён қилди. Covid-19 фонида ўткир пиелонефрит билан оғриган беморлар ацидогенезнинг статистик жиҳатдан сезиларли даражада пасайиши билан тавсифланди ($p < 0,001$).

Тубулоинтерстициал нефритнинг ўткир кечиши (ЎТИН) 67 (51%) болада ташхисланган, шундан анамнезида Covid-19 бўлмаган 35 (52%) бола 1-гуруҳни ва анамнезида Covid-19 бўлган 32 (48%) бола 2-гуруҳни ташкил қилди. Касалликни синчковлик билан тўпланган анамнездан маълум бўлишича, ЎТИН билан касалланган барча беморларда касалликни намоён бўлиши этиологик омилнинг организмга киришидан бошлаб 3-4 -чи, максимал

бешинчи хафтага тўғри келади. ЎТИН номутаносиб клиник кўриниши билан тавсифланади, бу ўз вақтида ташҳис қўйишни қийинлаштиради.

1-гуруҳдаги ЎТИНли болаларда КФТ бузилишларини топмадик, 2-гуруҳ болаларида пасайиши қайд этилди.

2-гуруҳдаги беморларда проксимал каналчаларнинг реабсорбция функциясининг пасайиши 1-гуруҳдаги беморларга қараганда анча аниқ бўлди. Аммониацидогенез ва сийдикнинг осмотик концентрацияси кўрсаткичининг яққол ифодаланган бузилиши ЎТИН билан оғриган 2-кичик гуруҳдаги беморларга хос бўлиб, бу дистал каналчаларнинг 1-кичик гуруҳга нисбатан сезиларли даражада зарарланишини кўрсатди (2-жадвал). Биз буни короновирус инфекциясининг патогенетик таъсири билан боғлаймиз.

2-жадвал.

Covid-19 мавжудлигига кўра ЎТИН билан оғриган беморларнинг дистал каналчалари функционал ҳолатининг кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Соғлом болаларда (n =20)	Даволанишдан олдин	
		1 гуруҳ (n=35)	2 гуруҳ (n=32)
Сийдикнинг нисбий солиштирма оғирлиги (бир марталик порция)	1022,31±4,33	1008,78±0,37 p≤0,01	1002±3,42 p≤0,01 p1≤0,05
Сийдик рН	5,8±1,44	7,00±1,21 p≥0,1	7,2±1,34 p≥0,1 p1≥0,1
Титрланадиган кислоталарнинг экскрецияси (ммоль/24)	51,0±2,8	27,3±0,80 p≤0,001	25,38±1,05 p≤0,001 p1≤0,05
Аммиак экскрецияси(ммоль/24)	46,8±1,2	35,46±0,89 p≤0,001	32,34±1,34 p≤0,001 p1≤0,01

Изоҳ: - p – даволанишдан олдин ва соғлом болалар кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ.


Биз ЎТИН бўлган болаларда буйрак функцияси ҳолатини баҳоладик ва ацидо- ва аммониацидогенез кўрсаткичларида, осмотик концентрацияланиш кўрсаткичларида, шунингдек, динамик нефросцинтиграфиянинг максимал вақти кўрсаткичларида яққол ифодаланган бузилишларни аниқладик. Демак, буйракнинг парциал функциялари касалликнинг этиологик омилига қараб турлича ўзгаради.

Сийдикда NGALни сезиларли даражада юқори концентрацияси таққослаш гуруҳидаги болаларга нисбатдан 2-кичик гуруҳ болаларида аниқланди, (1 мг креатинин учун мос равишда 89,75 ± 1,61 ва 18,76 ± 2,54 нг; p<0,001).

Шундай қилиб, NGAL ажралишининг кўпайиши фақат сийдик йўллари инфекцияси ва мусбат сийдик экмаси мавжудлиги билан намоён бўлди, ОТИНга ҳос бўлган буйракпаренхимасинишемия-реперфузиясифонида эса, NGALнингнисбатдан пастроқ ўсишианиқланди.

Биз 1-кичик гуруҳдаги беморларда яллиғланишга қарши IL-4 даражасинингсоғломболалардагикўрсаткичлариганисбатданбешбараварданкў

проқ ($p \leq 0,001$) ошганинианиккладик, буэса TNF-а ва у-IFN даражасини (деярлитуккизва еттимарта) ошиши билан бирга намоен булди. Холбуки, 2-кичик гуруҳдаги беморларда қон зардобиди ИЛ-4 мос равишда олти мартадан ортиқ, TNF-а ўн бир мартадан кўпроқ ва у-INF саккиз марта кўпайган. ИЛ-6 нинг ўртача қийматлари 7 баравар ошди ($p \leq 0,001$). Қондаги ИЛ-6 нинг энг юқори даражаси Covid-19 фониди 39,9 марта қайд этилган ($p \leq 0,001$) (2-расм).



2-расм. Covid-19 мавжудлигига қараб ўПли беморларда зардоб цитокинлари концентрацияси (пг/мл)


Covid-19 фониди ривожланган ўТИНли болаларда ИЛ-6 нинг зардоб концентрацияси ортди ($P < 0,001$), бу беморларда цитокин бўрони мавжудлигини кўрсатади, бу эса ўз навбатида буйракларнинг яллиғланиши, қон томир ўтказувчанлигининг ортиши, суюқлик йўқотиш, қорин бўшлиғи гипертензияси, гиповолемия ва кейин юз берадигапн шок туфайли ўПП ривожланишига сабаб бўлади.

Олинган маълумотлардан куришиб турибдики, фаол жараен сийдикда ИЛ-4, ФНО-а ва у-ИНФ концентрациясини сезиларли даражада ошиши билан кечади. 1-кичик гуруҳдаги беморларда ФНО-а курсаткичлари назорат гуруҳига нисбатдан турт баравар, у-ИНФ курсаткичлари эса ун бир баравар ошди, 2-кичик гуруҳдаги болаларда эса бу курсаткичлар 7 ва 15 баравардан ошди ва $83,4 \pm 2,66$ ва $205,25 \pm 3,32$ пг/мл ($p \leq 0,001$) ташкил қилди. Ушбу фонда ИЛ-4 нинг ортиқча миқдори олти мартадан кўпроқ ($38,8 \pm 1,33$ пг / мл ($p \leq 0,001$)) эди.

Шундай қилиб, олинган натижалар тубулоинтерстициал бузилишлар патогенезида ИЛ-6нинг яллиғланишга қарши омил сифатида жиддий аҳамиятини кўрсатади, сийдикда унинг даражаси 1-кичик гуруҳ болаларда 31,2 марта ва 2-кичик гуруҳдаги беморларда 38,5 баравар кўпайган, афтидан, SARS-COV-2 вируси проксимал найчаларга бевосита зарар етказиши мумкин.

ўТИН булган беморларда қон зардобиди ФНО-а ва у-ИНФ цитокинларининг сезиларли ўсиши кузатилди. Қон зардобиди ФНО-а концентрациясининг деярли ўн баравар ва у-ИНФ концентрациясининг 1-гуруҳ болаларида турт баравар ошиши фониди протектив ИЛ-4 назорат кўрсаткичларидан уч баравар юқори бўлди, 2-гуруҳдаги бу кўрсаткичлар соғлом болалар кўрсаткичларидан беш, ўн беш ва 6 баравар юқори бўлди.

Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ЎП билан оғриган иккала кичик гуруҳдаги беморлардан фарқли ўлароқ, ЎТИН билан оғриган беморларда сийдикда ўрганилган цитокинлар концентрацияси зардобникка нисбатан фарқланди, нафақат ФНО-а, балки ИЛ-6, ИЛ-4 учун ҳам статистик жиҳатдан кўпроқ қийматга эга бўлди, буни биз ЎТИН ривожланишининг иммунопатологик механизми мавжудлиги билан боғлаймиз, бу ерда яққол ифодаланган бузилишлар 2-гуруҳ болаларига хос бўлди, букороновирус инфекцияси токсинларининг патологик таъсири туфайли юзага келган (3-расм).



3-расм. Covid-19 мавжудлигига қараб ЎТИН билан касалланган беморлар сийдигида цитокинлар концентрацияси (пг / мл)

Covid-19 фонида ЎТИН билан оғриган 15 нафар болада нефроннинг найчали бўлимининг ренал функциясини ўрганиш учун тубулотроп РФП Тс-МАГ-3 дан фойдаланиб проксимал каналчалар эпителийсининг динамик нефросцинтиграфияси қўлланилди. Такқослаш гуруҳи сифатида анамнезида Covid-19 бўлмаган ва ЎТИН билан касалланган 17 нафар болани текширилди.

Компьютер ренограммаларини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, 2/3 беморга (65%) буйрак тўқималарининг контрастни ўз вақтида бир хил тақсимлаш хос бўлди, 1/3 беморда (35%) контрастнинг тормозланиши кузатилди, Covid-19 бўлмаган ЎТИНли беморларда бу кўрсаткичлар 75 ва 25% ни ташкил қилди.

Олинган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, ЎТИН билан оғриган беморларга тубулотропик РФП Тс-МАГ3 билан ДНСГда бир текис QQt функционал зарарланишлар хос бўлди, аммо улар Covid-19 фонида ЎТИН билан оғриган беморларда кўпроқ сезиларли бўлди. ЎТИН билан оғриган беморларда буйракнинг экскретор функцияси бузилганлигини аниқланмади.

Биз ЎП билан оғриган беморларда буйракларнинг секретор-экскретор функциясини таҳлил қилдик. ДНСГ маълумотларига кўра, Covid-19 фонида ЎП билан оғриган беморларда буйракларнинг секретор дисфункцияси анамнезида Covid-19 бўлмаган ЎП билан касалланган беморларга нисбатан кўпроқ сезиларли бўлди ($7,61 \pm 0,99$; $4,85 \pm 0,4$ мин.; ($p \leq 0,05$; $p \geq 0,1$)). “III даражали активликдаги яллиғланиш” соҳасида Tmax $8,52 \pm 1,05$ ва $7,61 \pm 0,99$ ($p \leq 0,01$; $p \leq 0,05$) дақиқани, “II даражали активликдаги яллиғланиш” соҳасида эса мос равишда $6,53 \pm 0,95$ ва $4,85 \pm 0,4$ ($p \geq 0,1$) дақиқани ташкил этди.

Тадқиқотимиз давомида ЎП бўлган беморларнинг кўпчилигида контрастнинг ажралиши учун вақт оралиғининг ассиметрияси аниқланди. Covid-19 фонидида ЎП бўлган беморларда анамнезида Covid-19 мавжуд бўлмаган ЎПли беморларга қараганда буйракларнинг экскретор функциясининг сезиларли даражада зарарланиши қайд этилган. T1/2 қиймати “III даражали активликдаги яллиғланиш” соҳасида $11,55 \pm 1,45$ ва $9,84 + 1,55$ ($p \leq 0,01$) дақиқани ташкил этди, “II даражали активликдаги яллиғланиш” соҳасида $7,38 \pm 1,36$ ($p \leq 0,01$) ва $6,79 + 1,34$ дақиқага тенг бўлди ($p > 0,1$).

Биз аниқладикки, ЎП билан оғриган беморларда тубуляр секреция зарарланишлари диссимметрик, ЎТИН билан оғриган беморларда эса буйрак тўқималарининг симметрик зарарланишлари қайд этилади. Covid-19 фонидида ЎП билан оғриган беморлар учун нефроннинг найча қисмида икки томонлама характерга эга бўлган яққол ўзгаришлар характерлидир. ЎП бўлган болаларда найча секрециясининг бузилиши билан бир қаторда, кўпчилик беморларда ассиметрик бўлган экскретор бузилишлар аниқланади, ЎТИН билан оғриган беморларда эса экскретор бузилишлар қайд этилмаган.

Қондаги ФНО-а кўрсаткичи билан тубуляр функция кўрсаткичлари (суткалик протеинурия $r=0,893$; $r=0,973$; $p=0,007$) ўртасида кучли билвосита корреляцион ўзаро боғлиқлик аниқланди.

у-ИНФ ва титрланадиган кислоталилик ўртасида ($r=0,646$; $r=0,676$; $p=0,032$), шунингдек аммиак экскрецияси ($r=0,642$; $r=0,682$; $p=0,033$) ўртасида билвосита кучли ўзаро боғлиқлик аниқланган; бу ҳолат ремиссия даврида қондаги цитокинлар ва тубуляр функциялар ўртасида боғлиқлик мавжудлигини исботлайди.

ИЛ-4 юқорида қайд этилган кўрсаткичлар билан ($r=-0,733$; $r=-0,776$; $p=0,01$ титрланадиган кислоталилик учун, $r=-0,70$; $r=-0,75$; $p=0,016$ учун, $r=0,626$; $r=0,633$; $p=0,039$ рН учун) кучли коррелятив боғлиқликга эга бўлди.

Сийдикдаги ФНО-а концентрацияси сийдикдаги рН билан кучли корреляцияга эга ($r=0,620$; $r=0,650$; $p=0,042$). Сийдикдаги у-ИФН миқдори аммиакнинг чиқарилиши билан кучли боғлиқ бўлди ($r=-0,870$; $r=-0,895$ $p < 0,001$).

ЎТИНда ФНО-а ва лейкоцитурия ўртасидаги кучли ўзаро боғлиқлик фақат унинг сийдик кўрсаткичлари учун аниқланган: $r=0,695$; $r=0,702$; $p=0,018$, бу касалликнинг асептик генезга эғалигини исботлайди.

Аниқланган корреляцион муносабатлар иммунологик бузилишлар ва буйракларнинг парциал функцияларини, буйрак тўқималарида яллиғланиш ўчоғини тиклаш, шунингдек, касалликнинг тез-тез зўрайишини бартараф этиш учун болаларда Covid-19 фонидида ривожланган буйрак патологиясини самарали даволаш усуллари ишлаб чиқиш зарурлигини белгилайди.

ЎП билан оғриган болалар гуруҳида NGAL ажралиш миқдори ва лейкоцитоз миқдори ўртасида ўртача даражадаги билвосита корреляцион боғлиқлик ($r=0,65$; $p < 0,05$) аниқланди, шунингдек сийдикдаги NGAL даражаси ва динамик нефросцинтиграфия натижаларига бўйича буйрак паренхимаси зарарланиш даражаси ўртасида кучли билвосита корреляцион боғлиқлик ҳам аниқланди ($r=0,75$; $p < 0,05$).

Диссертациянинг тўртинчи- «Covid-19 пандемияси даврида ўткир буйрак патологияси бўлган болаларни комплекс даволаш усули натижалари ва қиёсий таҳлили» бобида COVID-19 фонидида ривожланган ўткир пиелонефрит ва

тубулоинтерстициал нефрит билан оғриган беморларни даволаш натижалари келтирилган. Болалар терапия усулига қараб 2 гуруҳга бўлинган. Таққослаш гуруҳи (1-гуруҳ) анъанавий даволаш усулида даволанган, Covid-19 фонида ЎП билан оғриган 20 нафар бемордан иборат бўлди.

Иккинчи гуруҳга комплекс даволанишда бўлган, Covid-19 фонида ЎП билан оғриган 15 бемор киритилди.

Терапевтик тадбирлар комплексига “Ингавирин” препарати киритилган (2-гуруҳ). Ушбу препаратни танлаш унинг кўплаб ижобий фармакологик таъсирини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди: бу препарат иммунологик, регенератив ва репаратив жараёнларни яхшилайти, яллиғланишга қарши ва антивирус таъсирга эга.

2-гуруҳдаги ЎПли беморларда касалликнинг буйракдан ташқари ва буйрак симптомлари 1-гуруҳга қараганда анча олдин бартараф этилган.

Фаол жараённинг баратараф этилиши таққослаш гуруҳидаги 7 (35%) беморга нисбатан 11 (73%) болада комплекс терапиянинг 9-кунида эришилди ($p \leq 0,05$). “Сийдик синдроми” таҳлили шуни кўрсатдики, анъанавий даволанишдан кейин гуруҳда патологик лейкоцитурия сақланиб қолган ва эритроцитурия норма атрофида бўлган ($p_1 \geq 0,1$).

Шундай қилиб, Covid-19 фонида ЎП билан оғриган ва анъанавий усулда даволанган болаларда асосий клиник белгиларнинг камроқ сезиларли динамикаси қайд этилди, уларнинг бартараф этилиши даволаниш бошланишидан ўртача 12-13 кун ичида содир бўлди.

Даволаш натижалари “Ингавирин” препаратини қўллашдан кейин 2-гуруҳ болаларида СКФнинг энг сезиларли ўсишини кўрсатди ($p_1 \leq 0,001$; $p_2 \leq 0,001$). Бинобарин, асосий гуруҳда концентрациялаш ва ацидо-аммониогенез, реабсорбция функцияларининг тикланиши анча ишончлироқ бўлди.

3-жадвал.

Қўлланилган даволаш усулларига қараб, ЎП билан оғриган беморларда нефроннинг найча қисми функцияси кўрсаткичларининг хусусиятлари

